


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



NAVOIY VILOYATI
“ALISHER NAVOIY NODIR MEROSINI
TARG‘IBOT MARKAZI”
JAMOAT BIRLASHMASI

ALISHER NAVOIY TAVALLUDINING
580 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN
“ALISHER NAVOIY ASARLARINING
YANGICHA TAFAKKUR SHAKLLANISHIDAGI
O‘RNI VA AHAMIYATI”
MAVZUSIDAGI VILOYAT
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI

580



Navoiy-2021

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
NAVOIY VILOYATI
“ALISHER NAVOIY NODIR MEROSINI TARG‘IBOT MARKAZI”
JAMOAT BIRLASHMASI**

**ALISHER NAVOIY TAVALLUDINING
580 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN
“ALISHER NAVOIY ASARLARINING YANGICHA TAFAKKUR
SHAKLLANISHIDAGI O‘RNI VA AHAMIYATI”
MAVZUSIDAGI
VILOYAT ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

Navoiy-2021

ILMIY KONFERENSIYANING TASHKILY QO'MITASI

B.B.Sobirov	Navoiy davlat pedagogika instituti rektori, rais
D.U.Ro'ziyev	NavDPI O'quv ishlari bo'yicha prorektor, dotsent
X.R.Qurbonov	NavDPI Yoshlar bilan ishlash bo'yicha prorektor, dotsent
A.Allaberdiyev	NavDPI O'zbek tili va adabiyoti fakulteti dekani, a'zo
A.Xolmurodov	Navoiy viloyati "Alisher Navoiy nodir merosini targ'ibot markazi" jamoat birlashmasi raisi

TAHRIR HAY'ATI:

Sodiq Xo'jjiyev	NavDPI ilmiy ishlar bo'yicha prorektor
Tohir Xo'jayev	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası dotsenti
Botir Zaripov	NavDPI O'zbek tili kafedrası dotsenti
Zarif Quvonov	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası mudiri, f.f.f.d.
Ra'no Yusubova	NavDPI O'zbek tili kafedrası dotsenti
Munira Xudoyorova	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası doktoranti
Nigora Sharipova	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası doktoranti
Farxod Nizomov	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası o'qituvchisi

MAS'UL MUHARRIR:

Abduhamid Xolmurodov	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası professori
----------------------	--

TAQRIZCHILAR:

Tohir Xo'jayev	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası dotsenti
Baxshullo Ashurov	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası dotsenti
Zafar Jumayev	NavDPI O'zbek adabiyoti kafedrası dotsenti

Konferensiya materiallari O'zbek tili va adabiyoti fakultetining 2021-yil 29-yanvardagi 6 – sonli Kengashida muhokama etilib, nashrga tavsiya etilgan.

Zarari borcha elga an o'lg'ay,
Kim taom ustida taom o'lg'ay”⁵

Darvoqe, Navoiy “Tarixi anbiyo va hukamo” asarida hakimlar haqidagi an’anaviy ma’lumot, fikr – mulohazalarni bayon etish bilan birga, ilm – ma’rifatni, yaxshi xulq – odobni targ’ib etishni bosh maqsad qilib oladi. Navoiyning mahorati shundaki, maqsadini ularni “so‘zlatish” asosida amalga oshiradi. Masalan, “...ul debturkim, umr qisqadur, ish uzun. Oqil uldurkim, bu qisqa umrni bir narsaga sarf qilgaykim, zaruratroqdur...”⁶

Keltirilgan ushbu parchalarda Alisher Navoiy Sodiq va Buqrot hakimlarning o‘z nutqi orqali ularning tibbiyot ilmida tengi yo‘q bilimdon ekanliklarini ko‘rsata olgan.

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy o‘zining tarixiy asarlarida folklorning epik janrlari – mif va afsonalardan mahorat bilan foydalana olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Vohidov R.Armonga aylangan adabiy orzular . –Toshkent, Fan, 2009. – B.60
- 2.Navoiy A.Asarlar, XIV tom. – Toshkent, 1968. –B.185.
3. Bohidov R. Armonga aylangan adabiy orzular . –Toshkent, Fan, 2009. – B.57.
4. Navoiy A. Asarlar,XVI tom. – B.217.
5. Qarang: Qayumov A.Nodir sahifalar. – Toshkent,Fan, 1991.-B.144.
- 6.O’sha manba. –B.145.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАФСНИ ЕНГИШ ҒОЯСИНИ МИФОЛОГИК ЖАНГ МОТИВИ АСОСИДА ТАСВИРЛАШ МАҲОРАТИ

Ражабова Маърифат

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Аннотация: Мақолада А. Навоийнинг тасаввуфий қарашларини ёритишда фольклорнинг анъанавий эпик мотив ва образлари фойдаланишдаги маҳорати таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар:фолклор, эпик мотив, мифологик жанг, аждаҳо, дев, пари, ялмоғиз.

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларини ёритишда фольклорнинг анъанавий эпик мотив ва образларидан топқирлик билан, янгича услубий ёндашишлар асосида ижодий фойдалангани ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Шоир маҳорат билан стилизация қилган шундай анъанавий эпик мотивардан бири мифологик жанг мотивидир.

Ўзбек фольклоршунослигида мифологик жанг мотивининг мазмун-моҳияти, белгилари ҳақида илк бор таниқли фольклоршунос Комилжон

Имомов алоҳида мақола эълон қилган.¹ Олим ўзбек халқ эртакларининг жанр хусусиятлари, таснифи, насрий жанрлар тизимида тутган ўрни ва поэтикаси масалаларини изчил ўрганар экан,² шу йўналишда мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратгани кузатилади. Бундан ташқари, мифологик жанг мотиви хусусида эртаклар бадиияти тадқиқига бағишланган айрим ишларда ҳам баъзи фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилганлиги кўзга ташланади.³ Бироқ мифологик жанг мотивининг бадиий адабиётдаги талқини ҳали ўрганилган эмас. Айниқса, тасаввуфий адабиётда мифологик жанг мотивидан фойдаланиб, инсоннинг нафсга қарши курашини бадиий акс эттириш қонуниятларини аниқлаш фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг яна бир янги қиррасини очиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Фольклоршунос Д.Ўраеванинг фикрича, “Хамса”ларнинг яратилиши учун уларнинг фақат бешта дostonдан иборат бўлишлиги асос эмас, балки барчасида мусулмонликнинг беш фарзи ёки унда биринчи ўринда турувчи “иймон” фарзининг талқинини ифода этиш шартланганлиги асосдир. Буни “Хамса”ларнинг барчаси мусулмон давлатларида мусулмон динидаги шоирлар томонидан яратилгани ҳам тасдиқлайди. Шоир “Хамса”нинг бошидан-охиригача иймонли бўлиш талабларини муайян бадиий образлар воситасида очиб беришга ҳаракат қилади. Иймон мукаммал бўлишида “олам жумласидан бўлган кўзга кўринмас руҳоний мавжудот – фаришталар борлигига ишониш” муҳим шартлардан бири эканини инобатга олиб, Навоий бош қаҳрамон Фарҳодни Аждар, Аҳриман дев каби мифологик тимсолларга рўпара қилади. Бу мотивлар воситасида Навоий инсон Оллоҳ мўъжизаларига ишониши зарурлигини билдиради [3.38-41].

Мифологик жанг мотиви халқ эпик намуналари сюжетида ўзига хос семантик тузилиши билан алоҳида ўрин тутди. Унда хаёлий уйдирма етакчилик қилади. Мифологик жанг мотивининг генезиси қадимги инсонларнинг ибтидоий диний-магик тасаввур-тушунчалари, урф-одатлари, эътиқодий қарашлари билан боғлиқлиги сезилади ва улар поэтик тафаккур тараққиёти натижасида архитип бадиий деталларга айланиб, эпик асарларда сақланиб келаётганлиги айрича эътиборни тортади. Айниқса, афсона, эртак ва дostonларда у анъанавий эпик мотивлардан бири сифатида кўп учрайди ҳамда муайян бадиий вазифа бажариб келиши кузатилади. Мифологик жанг, одатда, инсон персонаж билан аждаҳо, дев, пари, ялмоғиз каби мифологик персонажлар ўртасида бўлиб ўтади. Бунда қаҳрамон баъзан мифологик персонаж билан

¹ Имомов К. Мифологик жанг ва унинг эпик талқини // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2006. – Б.23-26.

² Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981; Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.

³ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Издательство ЛГУ, 1946. – С.173-174; Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б.42; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Т., 1996. – Б.8-23; Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Т., 1999. – Б.25; Файзиёва Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Т., 2004.

яккама-якка жангга чиқиб, фаол ҳаракат қилса, баъзан ўз ақл-заковати билан мифологик персонажни мот айлаб, унинг устидан ғалаба қозонади.

Мифологик образ билан инсон ўртасидаги курашни тасвирлаб кўрсатувчи бу қадимий мотив ўзига хос бадиий талқин этилиши билан ажралиб туради.

Мифологик мотив асосида қадимги дунё халқларининг дуалистик қараши, яъни ҳаёт эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш асосида давом этиши ҳақидаги мифологик тасаввур, диний-фалсафий қарашлар заминида юзага келган. Кейинчалик шулар асосида халқ оғзаки ижодида ёвузлик руҳи Ажи даҳақа ёки девга қарши жанг мотивларининг пайдо бўлишига олиб келган.

К.Имомов ёзишича, “Ажи” сўзи “усти нотекис, ғадир-будир” деган маънони, “даҳақа” лексемаси эса “илон” маъносини англатади. Демак, Ажи даҳақа – тимсоҳ билан илонсифат кўринишда тасаввур қилинган тимсолий образ. У – уч бошли, уч оғиз, олти кўз, минглаб кучга эга бўлган, ҳар нарсага қодир, олам учун хатарли баҳайбат махлук. У – “Авесто”да “ўт, олов худоси”. Баъзан у “юҳо” деб ҳам юритилади, “Шоҳнома”да эса, у – ўт пурковчи аждарҳо. Айтиш мумкинки, Ажи даҳақа – олов стихиясининг образли ифодаси. Унинг эртак ва дostonларга кўчган поэтик намунаси аждар, аждаҳо ёки аждарҳо аталади” [2. 23-26].

Мазкур мотивнинг Алишер Навоий ижодидаги бадиий интиҳоси аждарҳога қарши жанг воситасида инсоннинг ўз нафсини енгиши шаклида тавсиф этилгани жиҳатидан эътиборни тортади. Буни шоир кўпроқ Фарҳод тимсолида акс эттирган. “Фарҳод ва Ширин” достонида аждаҳо хазина кўриқбони сифатида талқин этилган. Ундан хазинани тортиб олиш учун юз берган жанг мотиви эса бадиий вазифа касб этиб, шоирнинг тасаввуфона қарашлари таъсир кучини ошириш ва ўқувчида эстетик завқ уйғотиш функциясини бажарган. Натижада қадимий эпик мотивнинг мифологик маъноси тушиб қолиб, асарда келтирилган анъанавий ушбу эпик жанг мотиви ижтимоий-маиший маъно касб этган.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг 22-бобида Фарҳоднинг аждаҳо водийсига боргани, уни тор-мор қилиб, аждаҳо ғоридан Афридун хазинасини топгани ва барча бойликни отаси ва кўшинига совға қилгани баён этилади.

Шоир аждарҳонинг ўт-олов пуркаб Фарҳодга ҳамла қилиши тасвирида унга хос магик куч, ғайритабиий қудрат, сеҳр-жоду хусусиятларини сақлаб қолган. Бунда Фарҳод ҳам худди халқ қаҳрамонлари каби аждаҳонинг ўт пурковчи даҳшатли оғзи ёки кўзини мўлжалга олиб курашади. Навоий бунда Фарҳод олишган аждаҳонинг икки кўзини худди нефтнинг ўтли булоғига ўхшатади. Унинг бурун тешикларини ваҳшат тандирига, нефть мўрисига менгзайди. Шоир бу ўринда муболаға санъатини кўллаб, аждаҳонинг даҳшатли қиёфасини тасвирлайди.

Фарҳод чакқонлик билан осмон камалагидек ёйига найзадек ўткир ўқни жойлайди ва аждар оғзига шундай отадик, ҳатто гурди анжум, яъни юлдузлар паҳлавони Миррих хайратланиб унинг кўлини ўпади.

Фарҳод аждаҳони енгач, осмон каби юмалоқ ғорнинг марказ нуқтасини аниқ топади ва у ерда вазни минг ботмондан оғир қора тош билан кўмилган ғорнинг оғзини қиличининг учи билан очади. Тошни ўрнидан кўзғатиб, ғор

ичига тушади. Ғордан ҳазрат Алининг икки дамли, ғоят кескир афсонавий қиличи – Зулфиқорни топади. Шоир бу ерда Фарҳоднинг аждаҳо ғори ичидан топган хазинасидаги бир қилични Зулфиқорга ўхшатмоқда. Қиличнинг ёнида куббаси фалак қуёшидек порлоқ бўлган бир қалқон ҳам бор эди. Қиличнинг куббасида эса Сулаймон ўз узугида исми аъзам ўйдиргани каби бир исм ёзилган эди. Қиличнинг ўткирлиги ўшандан бўлиб, у гуноҳсизларга зарба етказмас, ёмонларни, ёвузларни эса аёвсиз иккига бўлиб ташлар эди.

Достонда Фарҳоднинг аждарни ўлдириши эпизодини Навоий шундай талқин қилади:

Тушурдилар черикни хурраму шод,
Бўлуб аждар ғамидан барча озод.
Нехушдур аждар ўлмак ранж бирла,
Киши қилмоқ танаъум, ганж бирла.
Қуёш Фарҳоди чун тортиб синон тез,
Қоро тор аждарига бўлди хунрез [1.165].

Бу парчада шоир Фарҳоднинг аждарни ҳалок қилишидан завқланиб, ёвузлик тимсоли аждарнинг ўлими ва шундан кейин кишиларни ганж (хазина – бойлик)га эга бўлишларидан ғоят шодланади.

“Фарҳод ва Ширин” достонида бош қаҳрамоннинг аждаҳога қарши жанг мотиви достон сюжетининг эпик кўлами ва ўзига хос таъсирчанлик хусусиятини белгилашда алоҳида аҳамият касб этган, дейиш мумкин. У орқали шоир инсонларнинг ёвузликка қарши чиқиши, эзгуликка интилишида ҳамиша жасоратли бўлиши, фаол ҳаракат қилмоғи лозимлигини таъкидлашни кўзда тутган.

Кўринадики, Алишер Навоий асарларида келтирилган жанг мотиви икки хил маънода қўлланган:

1. Оллоҳ мўъжизаларига, руҳий ўзга оламга иймон келтириш ва ишониш ғоясини сингдиришга.

2. Нафсни енгиш учун чорлашга.

Худди фольклордаги каби Фарҳоднинг мифологик жанг жараёнида фаол ҳаракат қилиши, бу жанг кўламли ва маҳобатли, айни пайтда, жонли ва ҳаяжонли кечиши, воқеалар эпик кўламда тасвирланиши, қаҳрамон умумхалқ манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатиши ва аждаҳони енгиб, катта хазинани қўлга киритгач, уни халққа тухфа қилиш учун отасига жўнатиши тасвир этилган.

Навоий Фарҳоднинг халқ баҳодир паҳлавонлари каби жанг қилишини тасвирлар экан, муболағали тасвир, ҳаётий ўйдирмалар асосида уни тавсифлайди. Натижада Фарҳод идеал баҳодир сифатида намоён бўлади. У нафақат аждаҳо, яна дев билан ҳам мардона жанг қилиб, уни енгади. Таъкидлаш керакки, бундай жангларда ҳар доим инсон ғолиблиги мадҳ этилади.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг 23-бобида Фарҳоднинг Аҳраман номли дев яшайдиган ўрмонга от сургани ва уни ўлдириб, Сулаймон узугини қўлга киритгани баён этилган. Бунда Навоий Фарҳоднинг Аҳраманни ўлдирганини Рустамнинг Мозандаронда Аржанг девни тор-мор қилганига ўхшатади.

Айтиш мумкинки, Алишер Навоий достонларида инсон персонажнинг мифологик персонажлар билан жанг қилиши мотиви алоҳида ўринга эга.

Аслида бу мотив фольклордан олинган эса-да, лекин шоир дostonларининг мотивлар структураси шаклланишида ундан олдин яратилган “Шoҳнома”га ўхшаш эпик асарларнинг ҳам таъсири бор. Алишер Навоий мифологик жанг мотивини келтириш билан ўз асарлари сюжетида контраст усулни қўллашни ҳам назарда тутган. Чунки бу билан асар бадииятини ҳосил қилишга эришилади. Жанг мотивини англaтган айрим тафсиллар эса поэтик воситаларга, аниқроғи, қаҳрамонлик типидaги эпик асарларнинг ўзига хос хусусий белгиларидан бирига айланган.

Хуллас, эпик жанг мотивлари қаҳрамонларни мадҳ этувчи ўзига хос сюжет яратиб, мардлик ва жасорат, дўстлик ва эзгуликни улуғлайди, кишиларни тинчлик ва осудаликка даъватлантиради. Энг муҳими, диний таълим, одоб ва ахлоқ кўникмаларини шакллантириш, мардлик ва қаҳрамонлик каби ахлоқий нормаларни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Навоий. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VIII жилд. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991
2. Имомов К. мифологик жанг ва унинг эпик талқини//Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2006.
3. Ўраева Д. Навоий “Хамса”сида беш фарз талқини. А.Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Навоий, 2018 йил 6-7 февраль. –

BADIIY TAFAKKUR BUNYODKORI

Navro‘z RAHMONOV,
NavDPI, f.f.f.d. (PhD)

Annotatsiya: Ushbu maqolada buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning badiiy so‘z san’atiga, insoniyatning badiiy tafakkuriga qo‘shgan munosib hissasi xususida mulohazalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: shoir, mutafakkir, she’riyat, badiiy tafakkur, “Xamsa”

Mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq mamlakatimizda milliy qadriyatlarni tiklash va yuksaltirish, xalqimizning badiiy tafakkuri, so‘z san’atiga e’tibor qaratilib, jahon sivilizatsiyasiga beqiyos hissa qo‘shgan buyuk ajdodlarimizning boy ma’naviy merosi har tomonlama o‘rganila boshlandi. Jumladan, turkiy tillar dunyosining tafakkurida yorqin iz qoldirgan buyuk bobomiz hazrat mir Alisher Navoiyning xotirasi ham abadiylashtirildi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch" kitobida ta’kidlaganidek, jahon adabiyoti tarixi Alisher Navoiy singari inson qalbining barcha quvonch va qayg‘ulari, insonparvarligi va hayot mohiyatini astoydil ifoda etgan shoirlarni juda kam biladi. Bizda ona tiliga muhabbat, uning ulkan boyligi va buyukligini anglash tuyg‘usi, avvalo, Navoiy asarlari tufayli shakllanadi. Xalqimiz, yoshlar ushbu bebaho merosga qanchalik ko‘p jalb qilinsa, jamiyatda yaxshi insonparvarlik fazilatlarini shakllantirish jarayoni

МУНДАРИЖА

Собиров Б. Сўзбоши.....	4
Носиров А. Алишер Навоийнингфалсафий қарашлари.....	6
Қобилов У. Навоийшунослик тараққиёти ва бугунги истиқболлари.....	9
Холмуродов А. Тафаккур оламининг билимдони.....	15
Муродов Ғ. Буюк шахс сиймосига янгича қарашлар тажассуми.....	18
Хо‘jayев.Т. Navoiyning “Navodir un-nihoya” devonidagi mashhur g‘azallar.....	22
Зарипов Б. Алишер Навоий ижодида зоонимларнинг қайтариш санъатидаги иштироки.....	26
Қувонов. З. Навоий лирикасининг ўрганилиш тарихидан.....	30
Амонова З. Насимий ва Навоий ижодида тавҳид талқини.....	34
Воуманов Е. “Mahbub ul-qulub” asaridagi ba’zi insoniy fazilatlar xususida.....	37
Шарипова Н. “Ҳайрат ул-аброп” дostonида наът.....	40
Eshchanova G. Alisher Navoiyning tarixiy asarlari va folklor.....	44
Ражабова М. Алишер Навоийнинг нафси енгиш ғоясини мифологик жанг мотиви асосида тасвирлаш маҳорати.....	46
Rahmonov N. Badiiy tafakkur bunyodkori.....	50
Muqimova S. “Xamsa”da rang ma’nosini ifodalovchi leksemalar.....	52
Эгамбердиева Н. Алишер Навоий ижодий меросида умумбашарий кадриятлар талқини.....	54
Gadoyeva M. Alisher Navoiy g‘azallaridagi inson bosh qism somatizmlarining inglizcha va ruscha tarjimada berilishi.....	58
Allaberdiev A., Nizomov F. Muammoli vaziyat asosida talabalarga tasavvuf ta’limotni o‘rgatish yo‘llari.....	63
Mardonova G. „Saba’i sayyor”dostonidagi sehrli buyumlar va g‘aroyib voqea-hodisalar talqini.....	66
Ahatova D. Navoiy asarlaridagi so‘zlarning o‘zbek shevalarida Ishlatilishi.....	69
Norqulova I. Navoiyning “Tarixi muluki ajam” asarida bunyodkorlik va obodonchilik masalalari.....	71
Sulaymonova N. Navoiy she’riyatini o‘qitishda o‘quvchilarning nutqiy kompetensiyasini innovatsion yondashuv orqali rivojlantirish.....	73
Saydullayeva S. The use of "Politeness" in the works of alisher navoi: "... it is not pleasant to say one word twice, it is unpleasant for the listener".....	76
Farmonova G. Majnunning ishq dostoni.....	78
Fayzulloyeva O. Alisher Navoiy g‘azallarida tanosub she’riy san’atining qo‘llanilishi.....	80
Khalibekova O. The image of magical birds in Alisher Navoiy’s works.....	82
G‘aniyev Sh., Shomurodov N. “Sab’ai sayyor”da so‘z qudrati.....	84
Bahodirova G. Alisher Navoiy ijodining o‘ziga xos xususiyatlari.....	86
Fayzullayeva O. Ulug‘bek Hamdam asarlarida tasavvufiy qarashlar.....	88
Bahriddinova Yu. Alisher Navoiyning «Majolis un-nafois» asarida qo‘llangan onomastik birliklar	90
Ungarov B. Alisher Navoiy ijodida o‘xshatishlar va ularning ahamiyati.....	94